20 — A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 95 (95), 2020 йил 29 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

РАҚОБАТ — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Мени ташвишлантирадиган масала шуки, корхоналаримиз ташқи рақобатга бардош бера оладими? Четдан товар кириб келса, юртимизда ишлаб чиқарилган худди шундай маҳсулот унга рақобатчи бўла оладими? Маҳаллий маҳсулотларнинг таннархини пасайтирсак, хориждан ўзлари олиб кетишади, — деди Президент.

Бугунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорида 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхонани монополистлар реестрдан чиқариш мумкин.

— Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз. Агар раҳбарлар шунга муносиб бўлса, ишлайди, бўлмаса — кетади, — деди Президент.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган "йўл харитаси"ни тасдиқлаш вазифаси белгиланди.

— Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича якдил йўналишимиз бўлиши керак, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

— Қачон рақобатга тайёр бўламиз? Соҳа ва тармоқларимиз тайёр бўлса. Соҳалар қачон тайёр бўлади? Мутахассислар бўлса. Энг заиф жойимиз: малакали мутахассислар етишмайди, технология йўқ, стандартлар йўқ. Шунинг учун бу соҳани деярли бошидан бошлашимиз керак, — деди Президент.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги таъкидланди. Олий таълим тизимида рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича алоҳида факультет, кундузги ва сиртқи ўқиш шаклларини очиш, янги фан жорий қилиш ва ушбу мақсадлар учун академик соатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Давоми 2-бетда

АЛИШЕР УСМОНОВ: КЕЛАЖАК МЕЪМОРИНИНГ ЙЎЛИ

Яқинда Буюк Британиянинг BNE IntelliNews ахборот агентлигининг Интернетдаги саҳифасида муҳтарам ватандошимиз, кенг миқёсдаги жамоатчилик ишлари ва хайрия тадбирларини олиб бораётган машҳур бизнесмен, маданият ва санъат ҳомийси Алишер Усмонов ҳақида мақола эълон қилинди. Мақола "The Daily Telegraph" газетасининг Москвадаги, "The Guardian"нинг Берлиндаги бюроси асосчиси ва бош муҳаррири ҳамда собиқ раҳбари Бен Арис томонидан ёзилган. Қуйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Россиялик миллиардер Алишер Усмонов ўзининг Facebook ва Alibabadaги шов-шувли инвестициялари, "Арсенал"нинг узоқ муддатли акцияларига эгалик қилиши, шунингдек, Жеймс Уотсоннинг Нобель медалини сотиб олиши ва Римдаги маданий ёдгорликларни реставрация қилиши каби кўплаб хайрия ишлари билан бутун дунёда машҳур.

Шу йил февраль ойида Алишер Усмонов томонидан Пьер Кубертеннинг Олимпия манифести Халқаро олимпия қўмитаси музейига ҳадя қилингани ҳақидаги хабар жаҳонга тарқалди, баҳорда эса бизнесмен коронавируса ва Ўрта Осиёдаги сув тошқинларига қарши кураш учун кўп миллионлик хайрия қилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон фарзанди бўлган Алишер Усмонов инсонийлик, шарқона донишмандлик ва ҳақиқий ишбилармонликни ноёб бир тарзда ўзида мужассам этганки, бу унга глобал дунёга хос жараёнларни барчадан олдин кўриш имконини беради. Унинг учун бизнес ҳам бутун жаҳон бўйлаб хайрия ишларига оид лойиҳаларга сармоя киритиш усулидир.

Алишер Усмоновнинг кейинги пайтдаги инвестиция лойиҳалари орасида алоҳида ажралиб турадиган ташаббуси — маҳсулотларни рақамли маркировка қилиш борасидаги инқилобий тизим яратиш ҳақидаги ғояси Россия учун ўз бозорида товарлар ҳаракатини кузатиб туриш соҳасида биринчилардан бўлиш имконини беради.

Россия ҳукумати бир неча йил муқаддам, энг ривожланган мамлакатлар билан ўртадаги тафовутни қисқартиришга уринган ҳолда, иқтисодиётни рақамлаштириш ҳақидаги ғояни чин дилдан қўллаб-қувватлади. Бу ғоя онлайн тартибида давлат хизматларини кўрсатиш ва илғор солиқ тизимини яратишни ҳам кўзда тутар эди.

Ҳукумат Алишер Усмоновни технологиялар соҳасидаги энг нуфузли ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган инвесторлардан бири сифатида рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳани биргаликда амалга ошириш учун таклиф этди. Шу тариқа тез орада ахборот технологиялари соҳасида энг йирик давлат-хусусий шериклик муносабатлари вужудга келди.

Маркировка тизими ҳар қандай товарни барча фуқаролар фойдаланиши мумкин бўлган махсус илова орқали кузатиб туриш имконини беради. Маҳсулотларни етказиб беришнинг бутун занжирини — ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган жараённи кузатиб бориш мумкин бўлади. Ушбу тизим Россия бозорига улкан зарар етказаётган товарларнинг ноқонуний савдосини ва қалбаки маҳсулотлар оқимини тўхтатишга ёрдам беради.

Лойиҳага катта миқдордаги пул — 220 миллиард рубль (3 миллиард доллар) маблағни сармоя сифатида киритишни режалаштираётган қўшма компаниянинг 50 фоиз улуши Алишер Усмоновга тегишлидир. Лойиҳани амалга ошириш ҳал қилувчи паллага кириши билан Россия яқин орада чакана савдони реал вақт режимида таҳлил этишга қодир бўлган жаҳондаги биринчи давлатга айланади. Ҳозирги вақтда шунга ўхшаш тизимлар фақат Жанубий Корея ва Сингапурда фаолият кўрсатмоқда.

БАРЧАСИ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ?

Алишер Усмоновнинг бизнес оламига кириб келиши ва катта нуфузга эга бўлиши узоқ ва давомли йўл бўлиб, у доим янги имкониятлар топишнинг уддасидан чиқар эди. Бизнеснинг қандайдир битта тури ёки тармоғи билан кифояланмасдан, у истиқболи бор деб билган соҳаларга сармоя киритарди.

Алишер Усмонов 1953 йили Ўзбекистоннинг Чуст шаҳрида туғилган. У Москвадаги нуфузли олий ўқув юрти бўлган Халқаро муносабатлар институтида ўқиб, юрист дипломини олди. Бу — совет даври элитасига хос анъанавий бир босқич эди. Алишер Усмонов ёшлигида профессионал даражада қиличбозлик билан шуғулланган. Бундан ташқари, унда дипломатия соҳасида муваффақиятли равишда ўсиш имконияти бор эди, лекин Михаил Горбачёв давридаги қайта қуриш сиёсати вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. СССРнинг қулаш даврида бошбошдоқлик ҳукм сурар, айни вақтда тадбиркорлик қобилияти ва ишбилармонлик ғайрат-шижоатига эга бўлганлар учун мислсиз имкониятлар ҳам очилар эди.

Алишер Усмонов ўз бойлигининг катта қисмини 90-йилларда ишлаб топган, аммо Совет Иттифоқи тугаб кетишидан бир неча йил олдин долларлик миллионер даражасига кўтарилган эди.

Унинг бизнес оламидаги тарихи қайта қуриш авжига чиққан паллада бошланди. Алишер Усмонов оёғи синган ҳолда шифохонага тушиб, вақтини беҳуда ўтказмаслик учун дўстидан полимерлар кимёси ҳақидаги китобни олиб ўқийди.

У кейинчалик бу ҳақда "Юқори зичликдаги полиэтилен, пенополиуретан деган нарсалар аллақандай ғаройиб бўлиб туюларди", деб эслайди.

Лекин уни кимё эмас, 30 000 дона елим халтачани — ўша пайтда уларга талаб катта эди — 1 рублдан сотиш мумкинлиги, уларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган бир тонна хомашё эса 437 рублга тушиши қизиқтирар эди.

Алишер Усмонов касалхонадан соғайиб чиққанидан сўнг тижорат ташкилотининг советча муқобили бўлган кооператив-ширкат тузди. Бундай тузилмалар Горбачёвнинг 80-йиллар охиридаги иқтисодий ислоҳотлари доирасида таъсис этилар эди.

Алишер Усмонов шитоб билан ўзининг тадбиркорлик қобилиятини намоён этди. У Россиядаги пластикка ихтисослашган ишлаб чиқарувчиларнинг "қизил директорлари" билан келишишнинг уддасидан чиқди ва Ғарбий Германиядаги корхона (Кельбергдаги Plastik-Mashinenbau) билан ҳам асбоб-ускуналарни анчагина арзон нархда сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Ҳозирги вақтда елим халталар ишлаб чиқариш ҳақидаги гаплар унчалик ҳам қизиқ туюлмайди, бироқ Совет Иттифоқининг сўнгги йилларида ва шўролар давридан кейинги Россияда ғарбона услубдаги ранг-баранг бичимга эга, сиртига ёзувлар туширилган елим халталар эркин бозор сари ташланган биринчи қадам эди. Бирор нарса олиш учун дўконга борган одам албатта, елим халтача харид қиларди.

Бизнес гуллаб-яшнади. 300 миллионлик аҳолига эга бўлган совет бозорида Алишер Усмонов ва унинг шериклари долларлик миллионерларга айланишди. 1992 йилга, бизнес янги босқичга кўтарилган даврга келиб, у аллақачон бадавлат инсон бўлиб улгурган эди.

Алишер Усмонов 90-йилларда катта бойлик тўплаган кўплаб россиялик миллиардерлар орасида алоҳида ажралиб туради. У ўз бойлигини очиқ бозордаги активлар — мол-мулк ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни сотиб олиш йўли билан тўплади, бу жараёнда янги бизнес турларини, масалан, технологиялар соҳасидаги ишини дастлабки нуқтадан бошлади.

"Мен ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда, кимлардир ўйлагандек, олигарх бўлмаганман. Барча активлар ўзим ва шерикларим томонидан иккиламчи бозордан сотиб олинган, уларнинг хусусийлаштириш жараёнига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Менга ҳеч ким ҳеч нарса совға қилмаган", — деб баёнот берди яқинда Алишер Усмонов Financial Timesга берган интервьюсида.

Ғарчи Алишер Усмоновни тез-тез ваучерлар шаклидаги хусусийлаштириш давомида ҳамда 1995-96 йиллардаги машҳур "ғаров асосидаги аукционлар" даврида шиддат билан бадавлат бўлиб кетган, "биринчи тўлқин"га мансуб россиялик энг нуфузли олигархлардан бири, деб ҳисобласалар-да, аслида унинг бойиш сари олиб борадиган йўли бутунлай бошқача бўлган.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Россия 1992 йилгача бошбошдоқлик домига тортилган эди. СССР тарқалиб кетганидан сўнг иқтисодиётнинг емирилиши бошланди. Лекин ҳатто эски тузум вайроналари остида ҳам фойда олиш учун кўплаб имкониятлар топиш мумкин эди.

Айнан 1992 йили Роман Абрамович нефтни чет элга сотиш учун маҳсулот юкланган темир йўл составини Латвиядаги портга жўнатишни ўйлаб топди. Ана шу ишдан кейин унинг капитали шакллана бошлади.

Бу банк спекуляциялари даври эди. Озгина пули бор ҳар қандай одам ўз банкини ташкил этиши ва гиперинфляциядан фойда олган ҳолда, арбитраж ишлари орқали миллионлаб рубль пул ишлаб олиши мумкин эди. Бунинг учун банклар қарз мажбуриятларини, масалан, компанияларнинг иш ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятларини рубль ҳисобида қабул қилар, лекин уларни долларда ўтказар ва ҳисоб-китобларни имкон қадар кўпроқ кечиктиришга ҳаракат қилар эди. Вақти келиб, ниҳоят банклар тўловларни амалга оширганида улар тегишли маблағни яна қайта доллардан рублга ўтказар (рубль бу пайтга келиб сезиларли равишда арзонлашган бўларди), ҳисоб-китобдан кейин қолган (доллардаги) пулни эса ўзлаштириб олишар ва шу тариқа каттагина фойдага эга бўлишар эди. Ўша даврда йиллик инфляция кўрсаткичи 1000 фоиздан юқори ёки кунига қарийб 5 фоизни ташкил этар эди. Кўплаб бойликлар ана шундай ишлар орқали қўлга киритилган.

Алишер Усмонов бошқа йўлдан борди. Ғаним фурсатдан эпчиллик билан фойдаланиб қоладиганлар учун улкан имкониятлар очиб берган бошбошдоқлик шароитида у инвестиция фаолияти билан шуғулланди. Ўзининг эски шериги ва дўсти, асли келиб чиқиши эронлик бўлган британиялик Фарҳод Моширий билан биргаликда Алишер Усмонов халқаро бозорларда сармоя сарфлай бошлади ва бу борада кўп нарсага эришди.

Унга 90-йилларнинг охирида газ соҳасида Россияда якка ҳукмрон бўлган "Газпром" давлат компанияси раиси Рем Вяхирев ўз эътиборини қаратди. Вяхирев Алишер Усмоновни газ соҳасидаги улкан тузилманинг инвестиция лойиҳалари билан шуғулланадиган шўъба корхонаси — "Газпром инвестхолдинг" компанияси раҳбари этиб тайинлади.

"Газпром" учун бу олтин давр эди. Газ экспорти давлат учун унча кўп бўлмаган ишончли манбалардан бири эди ва юз минглаб ходимларга эга бўлган компания — уни кўпинча "давлат ичидаги давлат" деб аташарди — мамлакатнинг деярли барча минтақаларида ўз тузилмаларига, бинобарин, ўз таъсирига эга эди. "Газпром" бутун-бутун шаҳарларда ижтимоий соҳани — мактаблардан тортиб пенсионерларни қўллаб-қувватлашгача — тўлиқ таъминлаб келарди. Алишер Усмонов Вяхиревга ушбу салтанатни бошқаришда ёрдам берадиган молиявий маслаҳатчилардан бирига айланди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2001 йилда Вяхиревни истеъфога чиқарди. Бу қадам Президент томонидан ундан олдин мамлакатни бошқарган Ельцин даврида шаклланган бетартиб тизимни назоратга олиш учун йўналтирилган чора-тадбирлардан бири бўлди. Лекин ҳатто "Газпром"ни Алексей Миллер бошқаргандан кейин ҳам Алишер Усмонов яна узоқ вақт "Газпром инвестхолдинг"нинг раҳбари бўлиб ишлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавирусининг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда **2020 йилнинг 1 июнидан "яшил" ва "сариқ" тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш** билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгиланган, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган **ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;**

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича **зарарларни** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда **ўтказиш ҳуқуқи берилади;**

2021 йил 1 январгача бўлган даврда **туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.**

Жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида **фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.**

3. Белгиланганки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланадиган мезонлар асосида **12 ой муддатга** бир марталик **мақсадли фоизсиз ссудалар** ажратиш шаклида:

туроператорларга 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда;

жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги **"стартап" лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни,** шу жумладан, биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий **1,5 миллиард сўм** миқдорида **қисман субсидиялаш** орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг **30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар** ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга **гидлар учун** 5 миллион сўм, **туроператорлар учун** 10 миллион сўм миқдорида **грантлар** ажратиш орқали **қўшимча кўмак кўрсатилади.**

4. Давлат томонидан қуйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни **субсидиялаш:**

жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг **фоиз харажатлари;**

Давоми 2-бетда

Алишер Усмоновнинг замонавий технологияларга бўлган алоҳида қизиқиши унинг Apple, шунингдек, дунёнинг кўплаб технологик етакчиларига, жумладан, JD.com, Twitter, Spotify, Uber ва бошқа компанияларга муваффақиятли инвестиция киритганида ўз аксини топди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 май, 95-сон

РАҚОБАТ — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

Бошланиши 1-бетда

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида монопол корхоналар рахбарлари ва ҳокимлар учун рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб, ўқув жараёнига ҳалқаро молия ташкилотларидан эксперт ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Рақобат соҳасига оид низоларнинг малакали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Тошкент юридик университетида шу йўналиш бўйича судьялар малакасини ошириш, судьяларни ушбу йўналишда ихтисослаштириш ва алоҳида суд коллегиясини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Иқтисодиётда имтиёзлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Масалан, имтиёздан фойдаланган 23 та ёғмой корхонасида янги иш ўринлари етарлича ташкил этилмаган. Аксинча, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида рақобат муҳити яратилгани натижасида сўнгги 4 йилда парранда гўшти етиштириш 100 минг тоннадан 205 минг тоннага, балиқ 65 минг тоннадан 122 минг тоннага кўпайган.

— Паррандачилик ва балиқчилик уюшмалари монополиядан озод қилингани самараси сезиляпти. Тадбиркорлар ўзини эмин-эркин ҳис қилиб, ҳаракат қиляпти. Нарх ва сифат жиҳатидан бозорга муносиб товар ва хизматлар чиқиши керак. Рақобат бўлса, аҳолининг танлаш имконияти ва сотиб олиш қобилияти ошади, одамлар рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида кўп гапирилади, лекин амалда бу тизим тўла ташкил қилингани йўқ. Буни талаб қиладиган муҳит йўқ, билим йўқ, оммавий ахборот воситаларида тарғибот етишмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўтган йили истеъмолчилардан тушган 11 мингдан ортиқ шикоятнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи савдо, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оид бўлган.

Бунга асосий сабаб, монопол корхоналар ўз манфаатига мослаб ҳужжатлар ишлаб чиққан ва уларда истеъмолчилар манфаати тўлиқ инобатга олинмаган.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Қўмитани истеъмолчиларнинг манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қиладиган халқ вакиллик органи — Олий Мажлисга ҳисобдор этиб белгилаш масаласини кўриб чиқиш топшириғи берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган **1 миллиард сўмгача** миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

б) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида **жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;**

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари — **туроператорлар ва турагентларга** кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5781-сон Фармонига мувофиқ компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб келинганлардан ташқари Ўзбекистон Республикасига **олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист** учун 15 АҚШ доллари миқдорида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш сутка бўлиши шарти билан **рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;**

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдорида **қисман субсидиялаш;**

д) 2021 йил 1 июнга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳмонхоналарга тоифа олиш ёки ошириш учун **реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш** бўйича харажатларни олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қуйидаги миқдорда қоплаш:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

5. Белгиланснки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллежларга 2020 йилда ўқишга қабул қилинган барча тингловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўловини 18 ойдан 24 ойгача узайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган дезинфекция ишларини олиб бориш учун жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқариладиган (сенсорли) жиҳозлар, шунингдек, ҳидсиз дезинфекцияловчи воситалар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишни бошлаш учун Жамғармага 20 миллиард сўм ажратилишини, шунингдек, заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра мазкур Фармоннинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан туризм соҳасидаги техникум ва коллежларда 2020-2021 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш учун маблағлар ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш чораларининг натижадорлиги ўрганилишини ва унинг якунлари бўйича кейинги йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш бўйича таклифлар 2021 йил 15 январга қадар киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 май

АЛИШЕР УСМОНОВ: КЕЛАЖАК МЕЪМОРИНИНГ ЙЎЛИ

Бошланиши 1-бетда

МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИ МАГНАТИ

Алишер Усмонов "Газпром"га келган вақтида яқиндагина харид қилган металлургия корхонаси капиталидаги улушини компанияга сотди. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ҳам шундай қилди. Кейинчалик у бозор нархида ҳақ тўлаб, "Газпром"дан ушбу улушни қайта сотиб олди.

Ана шу воқеадан сўнг металлургия тармоғидаги фаолияти бошланди. Россияда 2002 йилда олти йиллик иқтисодий юксалиш бошланди. Шу даврда иқтисодиёт 6-8 фоизга, фонд бозори даромадлари эса 50 фоизгача ўсди. Россия компаниялари ўз активларини уларнинг халқаро муқобилларга яқин адолатли қийматини белгилаш мақсадида қайтадан баҳолай бошлади ва шундан сўнг маҳаллий хомашё ишлаб чиқарувчилар етакчилар қаторига кўтарилди.

Алишер Усмонов ўз капиталини металлургия компанияларига қўя бошлади. У бир қатор тоғ-кон ва пўлат қуйиш корхоналарини сотиб олди ҳамда Россиянинг етакчи металлургия компанияларидан бири бўлган "Металлоинвест" гуруҳини ташкил этди. Ушбу компания ҳозирги кунга қадар унинг бизнес салтанатида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Алишер Усмонов зарар билан ишлаб келаётган Corusa Steel Англия-Голландия қўшма корхонасига маблағ сарфлаганида, юқорида эсга олганимиз — иқтисодий юксалиш энди-энди бошланган эди. Алишер Усмоновнинг шериклари ўзининг энг нохуш даврини бошидан кечираётган пўлат қуйиш компанияларини сотиб олиш бутунлай ақлсиз иш эканини айтишади. Лекин у ўз ҳамкорларини танланган йўлдан қайтмасликка кўндиради. Икки йилдан сўнг Corusнинг акциялари нархи кескин ошиб кетганида Алишер Усмонов ўз бойлигини сезиларли равишда оширишга эришади.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланиши мамлакатни тубдан ўзгартириб юборди. Ялпи ички маҳсулот икки баробар кўпайди. Ўрта синф пайдо бўлди. Иш ҳақи миқдорининг ўн йил давомида 10 фоизга ўсиши хусусий секторда ишлаётганлар билан давлат хизматида ишлаётганлар ёки ҳеч бўлмаганда, у билан боғлиқ бўлган кишилар, яъни мамлакат аҳолисининг қарийб ярми ўртасидаги тафовутни йўқ қилди.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли россияликлар олдида янги имкониятлар дунёси очилди. 90-йилларда асосий капитал хомашё билан боғлиқ компаниялар қўлида эди, аммо 2000-йилларга келиб, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ишлайдиган корхоналар катта даромад келтира бошлади. Охир-оқибатда Россия аҳоли сони бўйича Европадаги ҳар қандай мамлакатдан устун бўлган йирик истеъмол бозорига айланди. Алишер Усмонов замонавий технологияларнинг катта имкониятларига кўпчиликдан илгари эътибор қаратди.

Глобал молиявий инқироз авжига чиққан бир пайтда, 2009 йилда Усмонов Facebook акцияларини сотиб олиш учун бир миллиард доллар ажратишга қарор қилганида ушбу қизиқиш авж нуқтасига етди.

Бундай хатарли таклифни эшитиб, унинг бизнес ҳамкорлари Алишер Усмоновга яна, сен эсингдан оғиб қолибсан, деб айтишди. Чунки у инқироз даврида бошқалар каби жуда кўп пул йўқотган эди.

Facebook акцияларини сотиб олиш ҳақидаги ғояни Алишер Усмоновга Юрий Мильнер берган ва ушбу компаниянинг капиталидаги чоғроқ улушни сотиб олишни таклиф қилган эди. Усмонов бу пайтда Facebook тез орада мутлақо мустақил феноменга айланишини тушуниб етган эди. "Мильнер акцияларнинг 0,5 фоизидан 1 фоизигача сотиб олишни режа қилар эди, аммо мен бу соҳага кирар эканмиз, кўпроқ улушга эга бўлишимиз кераклигини айтдим", деб эслайди Алишер Усмонов. Натижада Алишер Усмонов ва унинг шериклари Facebook акциялари оммавий жойлаштирилишидан бир неча йил аввал компания акцияларининг қарийб 8 фоизини ўз қўлларида тўпладилар.

Мильнер глобал молиявий инқироз авжига чиққан пайтда Facebook эгаси Марк Цукерберг билан музокараларни бошлади. Кейинги воқеалар тарих саҳифаларига айланиб бўлган.

Баъзи маълумотларга кўра, Усмонов Facebookга ўзининг USM компанияси орқали тўғридан-тўғри 460 миллион доллар, шунингдек, ўзи ва Мильнер шериклигида тузилган ва Россиядаги бир нечта йирик технологик компаниялар акциялари эгаси бўлган DST венчур фонди орқали эса яна 420 миллион доллар инвестиция киритди.

Алишер Усмонов бу битим қанчалик муваффақиятли бўлгани ҳақида ҳеч нарса демайди. Аммо Financial Times мухбири ундан олинган фойда киритилган сармоядан қанча ошганини сўраганида, у "беш баробардан ортиқ", деб жавоб берди.

Алишер Усмонов кўп йиллар давомида технологик компанияларга сармоя киритишда давом этди. Россияда у "МегаФон" уяли алоқа компаниясида, Mail.ru почта хизматида ва Facebook тармоғининг Россиядаги муқобили бўлган "ВКонтакте" ижтимоий тармоғида акцияларни сотиб олди.

"ВКонтакте" қисман Мильнернинг фонди DSTга тегишли эди, фондининг акциядори Усмонов эди. IntelliNewsга берган шарҳида Мильнер: "Бу инсон кенг дунёқараш, ишбилармонлик салоҳияти ва принципларга содиқликни ноёб тарзда ўзида мужассам этган", — дейди.

Алишер Усмоновнинг замонавий технологияларга бўлган алоҳида қизиқиши унинг Apple, шунингдек, дунёнинг кўплаб технологик етакчиларига, жумладан, JD.com, Twitter, Spotify, Uber ва бошқа компанияларга муваффақиятли инвестиция киритганида ўз аксини топди.

ХАЙРИЯ ФАОЛИЯТИ

Шу йил май ойининг бошида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг чегарадош ҳудудларида тошқин ва тўфоннинг бузилиши оқибатида 100 мингдан ортиқ одам жабр кўрди. Алишер Усмонов зудлик билан офат оқибатларини бартараф этиш учун ҳар икки мамлакатга 15 миллион доллар маблағ йўналтирди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубида у: "Фожиа ҳақидаги хабарни қалбимда оғриқ билан қабул қилдим" ва "мен халқимизнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайман", деб ёзди.

Шу йилнинг бошида Алишер Усмонов она юртини ҳам четлаб ўтмаган Covid-19 пандемиясига қарши курашиш доирасида Ўзбекистон шифохоналарини жиҳозлаш учун 25 миллион доллар ажратди.

"Россияда миллиардер ва унинг шериклари тиббиёт муассасаларига ёрдам бериш учун ўз маблағларининг 26 миллион долларини ва назорати остидаги компаниялари орқали молиявий кўмак ва турли имтиёзлар шаклида 100 миллион доллар ажратди", деб хабар қилди Алишер Усмоновнинг матбуот хизмати IntelliNewsга.

Forbes журналининг халқаро рейтингида Алишер Усмонов пандемияга қарши курашишга энг кўп хайрия маблағлари йўналтирган россиялик филантропга айланди ва хайр-эҳсоннинг умумий миқдори бўйича Жек Дорси ва Билл Гейтс билан биргаликда ҳозирги инқироз шароитида дунёдаги уч нафар етакчи саховатпеша бизнесменлар қаторига кирди.

Алишер Усмонов кўп йиллар давомида Россиядаги энг бой тадбиркорлардан бири бўлиб келган: унинг бойлиги 13,4 миллиард доллар қийматида баҳоланмоқда. Икки йил аввал Forbes экспертлари Алишер Усмоновни йилнинг энг яхши бизнесмени деб эътироф этган эди, лекин 60 ёшга тўлганидан сўнг у аксарият компанияларини бошқарадиган USM холдингдаги улушини камайтира бошлади. Алишер Усмонов Жорж Сорос, Уоррен Баффет ва Билл Гейтснинг изидан бормоқда: улар ўз капиталининг жуда катта қисмини ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга хайрия сифатида сарфлаганлар. Айни пайтда Алишер Усмонов хайрия ишларини ўз фаолиятининг асосий йўналишига айлантирган илк россиялик миллиардер бўлди.

Ўзига тегишли маблағни чангаллаб, бизнеси устидан назоратни қўлдан чиқаришни истамайдиган аксарият россиялик олигархлардан фарқли ўлароқ, Алишер Усмонов бир неча йил аввал аста-секин бизнес билан боғлиқ ишлардан узоқлашаётганини айтди.

Шу йилнинг январь ойида Алишер Усмонов Россиядаги бизнесга доир активларнинг катта қисмини бирлаштириш мақсадида саккиз йил олдин ташкил этилган USM холдингидаги акцияларини оила аъзолари ва топ-менежерлари ўртасида тақсимлаш ниятида эканини маълум қилди.

"Менга ёрдам берганлар кўп. Шунинг учун мен ҳам ўз акцияларимни бериш орқали оилам ва менежерларимга ёрдам кўрсатишни хоҳлайман ", деди Алишер Усмонов.

Энди Алишер Усмонов, ўзининг айтишича, вақтининг асосий қисмини ўзи чиндан ҳам севадиган ишга, яъни спорт ва хайрия ишлари билан боғлиқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга бағишламоқда. У узоқ вақтдан буён Халқаро қиличбозлик федерациясининг президенти бўлиб келмоқда. У "Қиличбозлик келажаги учун" хайрия жамғармаси асосчиси ҳамдир.

Жорий йилнинг бошида Алишер Усмонов Олимпия манифестининг асл нусхасини сотиб олди, бунинг учун тарихда спорт билан боғлиқ ёдгорлик учун тўланган энг юқори маблағ — 8,8 миллион доллар тўлади ва уни Халқаро қиличбозлик федерациясининг бош қароргоҳи жойлашган Лозанна шаҳридаги Олимпия музейига совға қилди.

Спорт мавзуси ҳатто Усмоновнинг шахсий ҳаётида ҳам билинади: мана, 28 йилдирки, бадиий гимнастика бўйича Россия терма жамоасининг афсонавий бош мураббийи ва Бутунроссия бадиий гимнастика федерацияси президенти бўлиб келаётган Ирина Винер унинг рафиқасидир.

Алишер Усмонов мустаҳкам иймон-эътиқодли инсон экани билан ажралиб туради ва 60 ёшдан кейинги умр мусулмон учун жуда муҳим давр, деб ҳисоблайди.

"Мусулмон учун 63 ёш — пайғамбар ёши. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 63 йил умр кўрганлар. Ушбу табаррук ёшга етгач, инсонда фойда топиш билан шуғулланиш истаги йўқолади. Шунинг учун 63 ёшимда бизнес оламидаги саёҳатни тугатаман, — деган эди Алишер Усмонов. — Энди ўзимни бизнесмендек ҳис қилмаяпман. Мен кўпроқ хайрия ишлари билан шуғулланадиган жамоат арбобиман ва бу мени жуда руҳлантиради. Ва бу жуда катта маблағни талаб қилар экан, мен бир қатор компанияларда акциядор бўлиб қоламан".

Forbes маълумотларига кўра, Усмонов сўнггги ўн беш йилда 2,6 миллиард доллар маблағни хайрия қилган. Ўтган йил давомида эса — 400 миллион доллар, жумладан, Ўзбекистонга бир неча юз миллион доллар ўтказилди.

Шунингдек, Алишер Усмонов Тошкентда йирик Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш учун ҳам маблағ ажратди. У Жаҳон банки кўмагида Ўзбекистоннинг бир қатор ҳудудларида уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда иштирок этмоқда ва ўзбек спортини қўллаб-қувватламоқда.

Россияда Алишер Усмонов Мстислав Ростропович ва Галина Вишневскаянинг санъат асарлари тўпламларини ушбу мамлакатга қайтаргани, Россиянинг етакчи музейи учун Франс Халснинг машҳур "Авлиё Марк" картинасини сотиб олгани, совет мультфильмлари тўпламини топиб олиб келгани ва бошқа кўплаб ана шундай олижаноб ишлари билан танилган.

Айни пайтда Алишер Усмоновнинг саховатидан нафақат Россия ва Ўзбекистон баҳраманд бўлди, балки у бутун дунё бўйлаб маданий меросни қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшди. Ульпиа Базиликаси, Горацийлар ва Куриацийлар залини ва Римдаги Пьяцца дель Квиринале майдонидаги фавворани реставрация қилиш, шунингдек, Лондондаги чой ташийдиган "Катти сарк" кемасини қайта тиклаш лойиҳалари — буларнинг барчаси Алишер Усмоновнинг фаол иштироки туфайли рўёбга чиқди.

"Менимча, агар бирор киши Оллоҳ таолодан ва тақдирдан нимадир олган бўлса, демак, уни бошқалар билан баҳам кўриши керак, — дейди Алишер Усмонов. — Хайрия ишларига келсак, сиз бор-будингизни ўнгу сўлга тарқатаверишингиз шарт эмас. Қуръони каримда буюрилганидек, даромаднинг бешдан бири хайр-эҳсон қилиниши жоиз. Хайрия фаолиятининг иккинчи босқичи — бу оилангиз ва дўстларингизнинг бахтли-саодатли бўлишлари учун уларга ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришдан иборат. Ва учинчи даража — бордию ўзингиз кутганингиздан кўпроқ бойликка эга бўлсангиз, топганингизнинг ярмини эҳсон қиласиз".

Алишер Усмоновни яхши биладиган одамларнинг айтишларича, "хайр-эҳсон қилиб яшаш унинг қон-қонига сингиб кетган". Жеймс Уотсоннинг Нобель мукофоти медали билан боғлиқ ҳикояси Алишер Усмоновнинг ҳомийлик борасидаги ёндашувининг ажойиб намунасидир. 1962 йилда Френсис Крик ва Маурис Уилкинс билан биргаликда ДНКнинг икки қаторлик тузилишини кашф этгани учун тиббиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган Уотсон ўзи узоқ вақт ишлаган Лонг-Айленддаги "Колд Спрингс Харбор" лабораторияси учун пул топиш мақсадида ўз медалини сотишга тайёр эди. Медаль Нью-Йоркдаги "Кристис" кимошди савдолари уйида номаълум харидорга 4,1 миллион доллар эвазига сотилди. Кейинчалик бу Алишер Усмонов экани маълум бўлди. Саховатли бизнесмен "таниқли олим ўз ютуқлари учун олинган медални сотадиган ҳолатга тушишига йўл қўйиб бўлмайди... ва ДНК тузилишини кашф этгани учун мукофот унинг ўзида қолиши керак", деб медални олижаноблик билан Уотсонга қайтариб берди.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, Алишер Усмоновни жуда бой-бадавлат қилиб турган яна бир жиҳат бор. Катта оилада туғилиб-ўсган Алишер Усмонов ўндан зиёд жиянлари ва набираларини ардоқлайди, унинг меҳр тўла улкан қалбида улар муҳим жой эгаллаб, энг бебаҳо бойлиги бўлиб келмоқда.

Узоқ йиллардан бери ўзининг ечимини кутиб ётган масалалар, муаммолар талайгина йиғилиб қолган эди. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси орқали энг долзарб масалалар, энг оғир нуқталаримиз ва бизни қийнаб турган муаммоларимиз ечилади.

Муносабат

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА МАДАНИЯТДАН БАҲРАМАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОРТАДИ

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

Ўзбекистон Президентининг куни кеча қабул қилинган "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан белгиланган вазифалар салмоғи жуда кенг ва муҳим. Шу боис, ушбу ҳужжатлар маданий ҳаётимиздаги катта воқеа сифатида келгусида маданият ва санъатнинг халқимиз кундалик турмушидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Негаки, узоқ йиллардан бери ўзининг ечимини кутиб ётган масалалар, муаммолар талайгина йиғилиб қолган эди. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси орқали энг долзарб масалалар, энг оғир нуқталаримиз ва бизни қийнаб турган муаммоларимиз ечилади, деб бемалол айтиш мумкин.

Демак, биз бугунга қадар қандай ишлар эдик ва энди мазкур ҳужжатлар асосида фаолиятимизда қандай ўзгаришлар кутилмоқда? Масалан, 2021 йил 1 январдан концерт-томоша фаолиятини лицензиялашнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Бунинг учун мазкур фаолият иштирокчиларининг ягона онлайн портали ишга туширилади. Ягона портал концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, санъаткорларнинг давлат реестрини юритиш, фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб боришга хизмат қилади. Унда рўйхатдан ўтиш онлайн тарзда, шу жумладан, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам амалга оширилади.

Энди санъаткорлар орасидан давлат мукофотлари билан тақдирлашга номзодларни танлаб олишда вазирлик томонидан Ягона порталдаги маълумотлардан фойдаланилади. Бунда илгари давлат мукофотлари билан тақдирланганидан қатъи назар, ҳар бир санъаткорнинг йил давомидаги фаоллиги ва ташаббускорлиги автоматик тарзда баҳоланади.

Яна бир янгилик – концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома берилганлиги учун ундириладиган йиғим бекор қилинянпти. Ҳозир концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш учун 2 та — оммавий тадбир ўтказишга рухсат берувчи комиссия ва "Ўзбекконцерт" давлат муассасасидан рухсатнома олиш талаб этилган. Ушбу йиғимнинг бекор қилиниши концерт ташкилотчилари ва санъаткорларнинг харажатларини камайтириш, шу орқали концерт дастурлари сонини кўпайтириш имконини беради.

Шунингдек, санъаткорларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги тизими жорий этилмоқда. Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этиладиган бўлди. Палата ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг меросхўри томонидан берилган ваколат асосида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаради, фойдаланувчилар билан асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартномалар тузади, улардан йиғилган ҳақни ҳуқуқ эгаларига тақсимлайди, ҳуқуқ эгаларига уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиб боради. Бу жаҳон амалиётида мавжуд жуда самарали ва рағбатлантирувчи тизимдир.

Яна бир янгилик санъаткорлар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам манфаатли бўлди. Яъни давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказиладиган концерт-томоша тадбирлари учун ижара тўлови 50 фоиз миқдорида ундирилади. Бугунги кунда "Халқлар дўстлиги" санъат саройининг бир кунлик ижараси 25 миллион сўм, "Туркистон" санъат саройида 7,2 миллион сўм қилиб белгиланган. Ушбу тўловдан 50 фоиз чегирма берилиши жонли ижрога ассосланган концерт ўтказувчи санъаткорларни ва унинг асосида тингловчи-томошабинларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда маданият ва санъат соҳасидаги тадбирлар тизимли ташкил этилмаётган эди. Шу сабабли тадбирларни олдиндан режалаштириш, уларни молиялаштириш учун зарур маблағларни республика ва маҳаллий бюджетлар ҳаражатларида йил бошидан назарда тутиш механизми яратилмаган. Энди ҳар йили келгуси йил давомида республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган давлат тадбирларининг календарь режаларини тасдиқлаш амалиёти жорий этиладиган бўлди.

Бу каби ўзгаришлар жуда кўп. Зиммамизга улкан масъулият юклайдиган ҳар иккала ҳужжат мазмунида ҳам, мухтасар қилиб айтганда, маданият ва санъат ривожи учун кенг имкониятлар яратиш, соҳа аҳлининг меҳнатини қадрлаш, маданият ва санъат муассасалари шароитларини яхшилаш орқали халқимизнинг маданият ва санъатдан баҳрамандлигини ошириш мақсади мужассам.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ МАҚОМИ — МУҲИМ ВОҚЕА

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор

Аввал бир маълумотни келтириб ўтсам. Бугунги кунгача Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қўғирчоқ театрлари мавжуд бўлмаган. Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари қўғирчоқ театрларининг эса ўз бинолари йўқ. Шунингдек, ҳозир вилоятлардаги битта қўғирчоқ театрини сақлаш харажатларига ўртача 1,5 млрд. сўм ажратилади, уларнинг ўзи йилига ўртача 200 миллион сўм ишлаб топади.

Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган, соҳа ривожи учун қаратилган ҳужжатларнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида қўғирчоқ театрлари учун махсус бинолар қуриш, уларга ажратилган биноларни реконструкция қилиш, энг муҳими, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини ташкил этиш белгилаб берилганидир.

Шунингдек, Республика қўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри мақоми берилиши соҳа учун муҳим воқеа бўлди. Албатта, мазкур мақом соҳа вакилларига жуда катта масъулият юклайди. Энди театр жамоаси ўзининг янги ижоди, янги спектакллари, роллари билан билдирилган юксак ишончни оқлаши керак. Мен бу гапларни келтиришимнинг боиси, қўғирчоқ театрлари учун етук кадрлар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида тайёрланади. Шу кунга қадар қўғирчоқ театрларининг моддий-техник таъминоти анча оқсаб қолган эди. Фармонда қўғирчоқ театрларига эътибор берилиши бизни, халқимизни жуда мамнун этди.

Бугина эмас, республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Республика эстрада ва цирк коллежига айлантирилиб, унга ушбу мактаб асосчиси Карим Зарипов номи берилади. Коллеж учун цирк ҳудудида янги бино барпо этиладиган бўлди. Бу эса таълим ва амалиёт узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, фармонда музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик соҳаларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган илмий ва илмий-методик кенгашлар ташкил этилиши ҳам белгиланган. Албатта, улар фаолиятининг йўлга қўйилиши келгусида мазкур соҳалар бўйича илмий кадрлар салмоғи ортишида, соҳа ривожида ижобий роль ўйнайди, албатта. Зеро, маданият ва санъат ҳар бир халқ, миллатнинг тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим воситалардан ҳисобланади.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ахборот ва компьютер технологиялари маркази ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази негизида "Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мультимедиа маркази" давлат муассасаси ташкил этилиши ҳам соҳа фаолиятига илмий ёндашув ва таҳлилни кучайтириши, санъат соҳасига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш имконини бериши, табиий. Марказ мусиқа фестивалларни, кўрик-танловларда ғолиб ва совриндор бўлган, олий таълим муассасаларида ўқиётган ёки уларни эндигина тамомлаган иқтидорли ёшларга шартнома асосида продюсерлик ва мультимедиа хизматлари кўрсатади.

Ишонаманки, маданиятимиз ва санъатимиз вакиллари бу эътибор ва ғамхўрликка ўз ижодлари, изланиш ва меҳнатлари, ютуқ ва муваффақиятлари билан муносиб тарзда жавоб қайтарадилар.

МАҚОМ — САНЪАТИМИЗ ГУЛТОЖИДИР

Сойибжон НИЁЗОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизи

"Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор жуда муҳим, жуда долзарб ва санъат аҳлининг кўнглидаги, юрагидаги иш бўлди.

Айниқса, мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиши миллий, мумтоз куй ва қўшиқларнинг нафақат юртимизда, балки дунё мамлакатлари саҳналарида ҳам кенг қулоч ёйиб, баралла куйланишига замин яратиб беради.

Зеро, овози соҳир, иқтидорли ёш ҳофизларнинг ўз устида ишлаши, изланиши, ёруғ, машъалли йўлларига нурли дастақдир бу. Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати қадимий тарихи, теран фалсафаси, бетакрор бадиий услуб ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Асрлар давомида шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофизу созандаларнинг машаққатли меҳнати ва ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат Шарқ мамлакатларида, балки бутун дунё миқёсида катта шуҳрат қозонган.

Ўзбек миллий мусиқа санъати институти келгусида кўҳна мақомларни ўрганиш, азалий анъаналарни тиклаш, замон руҳи билан суғорилган ижроларни шакллантириш ва жаҳонда кенг тарғиб этиш, халқлар ўртасида ижодий ҳамкорлик ва маданий мулоқотни мустаҳкамлаш борасида эзгу ишлар амалга ошириладиган бир азиз ўқув даргоҳи бўлишига ишонамиз.

Унинг ташкил этилиши мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишларининг нуфузини янада ошириш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришга хизмат қилади.

Нима учун айни пайтда юртимизда мақомга катта эътибор қаратиляпти? Сабаби, бу санъат бизнинг маданиятимиз гултожидир. Узоқ йиллардан бери санъат майдонида ижод қилиб келаётган бўлсам, устозларим ҳам, мен ҳам куни келиб шундай институт ташкил этилишини хаёлимизга келтирмаган эдик. Бундай ажойиб даврга етганлар бор, етмаганлар бор. Ҳозирги кунда мақом санъатини ўрганаман деган ижодкорга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундай имконларнинг қадрига етиш, қалб қуввати етганича юксак муҳаббат билан ижод қилиш бахти замондошларимизга муборак бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 27 МАЙ КУНИ ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ БИЛАН ТАНИШДИ

ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА, ОДАМЛАР САМОЛЁТДА УЧИШ ВАҚТИ 5 СОАТГАЧА БЎЛГАН ЎЛКАЛАРГА ЭНГ КЎП САЁҲАТ ҚИЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ АТРОФИДА БУНДАЙ МАСОФАДА 60 ГА ЯҚИН ДАВЛАТ, 3 МИЛЛИАРД АҲОЛИ БОР. БУ УЛКАН ТУРИЗМ БОЗОРИ ДЕГАНИ.

2017 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРИЙБ 2 МИЛЛИОН 700 МИНГ САЙЁҲ ТАШРИФ БУЮРГАН БЎЛСА, 2019 ЙИЛИ БУ КЎРСАТКИЧ 6,7 МИЛЛИОНГА ЕТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ЎНДАН ОРТИҚ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО НАШРЛАРДА ЭНГ ЖОЗИБАЛИ ТУРИСТИК МАСКАН СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.



ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИГА ТАРМОҚ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН БИРГА САМАРАСИЗ ИШЛАЁТГАН 711 ТА КОРХОНАНИ ТУГАТИШ, 262 ТА КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК, 500 ДАН ЗИЁД БОЗОРЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ БЕРИЛДИ.

ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ 299 ТА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ 348 МИЛЛИАРД СЎМГА СОТИЛДИ. ЯНГИ ИНВЕСТОРЛАР УШБУ ОБЪЕКТЛАРГА ЖАМИ 3,3 ТРИЛЛИОН СЎМ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИБ, 4 МИНГ 700 НАФАР ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛГАН.

ПАНДЕМИЯНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ МАҚСАДИДА БУ СОҲАГА ҲАМ ҚАТОР ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 1 МИНГ 750 ТА СУБЪЕКТГА МОЛ-МУЛК, ЕР ВА ИЖТИМОИЙ СОЛИҚЛАРДАН 60 МИЛЛИАРД СЎМГА ЯҚИН ИМТИЁЗ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

МЕҲМОНХОНАЛАРГА КЎРСАТГАН ХИЗМАТИНИНГ 10 ФОИЗИ МИҚДОРИДА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, УЛАРГА АЙЛАНМА МАБЛАҒ УЧУН КРЕДИТ ФОИЗ ТЎЛОВЛАРИНИНГ 10 ФОИЗИГАЧА БЎЛГАН ҚИСМИГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари) 120 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 май, 95-сон

Долзарб мавзу

МАҲАЛЛИЙЛАШГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ҚАНДАЙ РАҒБАТ ВА ИМТИЁЗЛАР БОР?

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон учун асосий импорт маҳсулоти асбоб-ускуналар ва машиналар бўлиб, умумий савдонинг 44 фоизини ташкил этади. Мамлакатда ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор қаратилаётгани, шу йўналишга кўпроқ сармоя киритилаётгани ўз-ўзидан замонавий асбоб ва қурилмаларни олиб киришга эҳтиёжни оширмоқда.

Ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этишдан асосий мақсад импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи самарали тизимни жорий этишдир. Бунда хомашё учун узоққа бориб ўтиришга эҳтиёж қолмасдан, кимдир ип-калавани узатса, кимдир тайёр мато ишлаб чиқариши, бошқа тадбиркор эса унга гул босиши мумкин. Шу тарика ишлаб чиқариш жараёни тез ва самарали амалга ошади. Ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши шу жиҳати билан ҳам муҳим.

Президентимизнинг 2019 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда қайд этилишича, республикада ишлаб чиқарилаётган товарларга ўхшаш бўлган товарларни четдан импорт қилишнинг асосий қисми "Ўзавтосаноат", "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятлари, "Ўзтўқимачиликсаноат", "Ўзэлтехсаноат" "Ўзчармсаноат" уюшмалари таркибидаги ҳамда Бухоро, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур меъёрий ҳужжат асосида республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ягона тизим яратиш, тармоқ ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштириш энг муҳим устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу жараёнда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга илмий изланиш натижаларини ва замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали маҳаллий хомашё ҳамда саноат кооперацияси негизида фаолият кўрсатиш рағбатлантирилади. Қолаверса, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тузилмаларига ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

КАРАНТИН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Карантин билан боғлиқ шарт-шароитда ҳам кўплаб бизнес объектлари, хусусан, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар фаолиятини тўхтатмай, маҳсулотларини бозорга чиқариш ва тузилган шартномалар асосида ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни изчил давом эттирмоқда.

Питнак шаҳридаги эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган "Ўз Донг Янг Ко" қўшма корхонаси филиалида автомобиллар учун ички интерьер, ўриндиқлар учун ғилофлар, эшик қопламалари, кузов, пол ва том қисми қопламаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унда 131 нафар ходим иш билан таъминланган.

Кунлик фаолият шифокорлар тавсияларига асосан, карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилади. Жумладан, иш куни бошида ва якунида барча хоналар дезинфекция қилинмоқда. Кун давомида ишлаб чиқариш цехлари шамоллатиб турилади. Ҳар 2-4 соатда барча ташқи муҳит объектлари (эшик ва зина тутқичлари, стол, стуллар, техника воситалари) дезинфекция қилинмоқда. Ишчиларнинг тиббий ниқобларни алмаштириб туриши қатъий назорат остида. Шунингдек, ходимларнинг иш жойида бир-биридан камида 2 метр масофа сақлашлари қатъий белгиланган.

— Корхонамиз "Дамас" автомобили учун йилига 55 минг, "Лабо" автомобили учун эса 5 минг комплект махсус жиҳозлар етказиб беради, — дейди "Ўз Донг Янг Ко" қўшма корхонаси Питнак филиали директори Санъат Қаландаров. — Йил бошидан бери карантин бўлишига қарамай, тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя қилган ҳолда автомобилларга 18 миллиард сўмликдан ортиқ махсус жиҳозлар ишлаб чиқарилди.

Мазкур иқтисодий зонадаги яна бир корхона — "Ўз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонаси Хоразм филиали эса "Дамас" ва "Лабо" автомобилларига ўриндиқ ясайди. Корхона ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватини 37 фоиз оширган ҳолда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

— Ўтган йилнинг биринчи чорагида автомобилларнинг 25 миллиард сўмлик ўриндиқларини ишлаб чиқарган бўлсак, коронавирус пандемиясига қарамай, жорий йилда бу кўрсаткични 46 миллиардга етказдик, — дейди филиал директори Усмон Рўзибоев.

Бундай қўшма корхоналарнинг фаолият юритиши автомобиль эҳтиёт қисмларининг импортини қисқартириш орқали давлат учун валюта маблағларини тежаб қолиш, маҳаллий автосаноат эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда.

"ИССИҚХОНА МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАМ ЎЗИМИЗДАН"

Наманган шаҳрида жойлашган "Мехмаш" МЧЖ юқори сифатли шуруп, пўлат қувурлар, замонавий иссиқхона мажмуалари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Корхона нафақат ички, балки МДҲ давлатлари бозорларини ҳам ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Айтиш жоизки, бу ерда тайёрланаётган барча қотириш маҳсулотлари халқаро стандартларга жавоб беради. Бу эса маҳсулотларга бўлган талабнинг кун сайин ортишига ҳисса қўшади.

— Корхонамизда иссиқхона мажмуалари учун конструкциялар ҳам ишлаб чиқарилади. Бунда 400 га яқин ишчининг меҳнати алоҳида ўрин тутади, — дейди корхона директори Зокиржон Хўжаев. — Улар ўзимизда тайёрланадиган пўлат қувур ва профиллардан тайёрланмоқда. Иссиқхоналар барча вентеляция, совутиш, томчилаб суғориш, иқлимни бошқариш тизими каби замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

ЯНГИ СОҲАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

Ип-калавага жаҳон бозорида талаб катта. Гарчи бу маҳсулот бирмунча қайта ишланган ҳисобланса-да, уни тайёр кийим-кечак ҳолига келтирсак, ип-калавадан олиладиган даромаддан кўра салмоғи яна бир неча баробар ортади. Бундан ташқари, тўқимачилик саноатида бир қатор янги ишлаб чиқариш бўғинларини, яъни ип калава тайёрлаш, пахта толасидан ва синтетик хомашёдан мато, аксессуарлар, тикиш-бичиш, трикотаж ва бошқа тайёр кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари ҳам ривожланади. Бу вазиятда бизнинг бошқа давлатлардан устун жиҳатимиз сифатли пахта ва бошқа турдаги хомашёларга бойлигимиздир. Қолаверса, республикада ишлаб чиқаришни ташкил этишда жаҳон бозорига нисбатан электр энергияси, газ ва сув таъминоти нисбатан арзон нархларда етказиб берилади. Ишчи кучининг етарлилиги ҳам имкониятимизни кенгайтиради.

Навоий вилоятидаги "Toshrabot-textile" тикувчилик фабрикаси карантин даврида бир ой давомида фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Айни пайтда 250 иш ўринга эга мазкур енгил саноат мажмуасида ишлар қизғин. Асосан, болалар трикотаж маҳсулотлари тайёрланадиган фабрика 500 та энг замонавий тикув дастгоҳи билан жиҳозланган.

— Маҳсулотлар, асосан, экспортга йўналтирилмоқда, — дейди фабрика бош директори Улуғбек Тўрақулов. — Улар, айниқса, Россия ва Италия бозорларида харидоргир. Жорий йилда 5 миллион АҚШ доллари миқдорида экспортни амалга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бугунги кунда ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш мақсадида яна 100 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашни режалаштирдик. Айни пайтга қадар 20 нафар чеварни ишга жалб қилдик. Уларни 3 ой давомида тикувчиликка қайта ўқитамиз. Трикотаж маҳсулотларидан фойда олишда унга кетадиган барча маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши жуда муҳим. Агар биз айрим хомашёларни четдан сотиб олсак, тайёрлайдиган маҳсулотимизнинг таннархи ўз-ўзидан ошади. Бу унчалик ҳам қиммат сота олмаймиз ва катта фойда қилолмаймиз, деганидир.

ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛГАН?

Албатта, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғини ривожлантиришда яратиладиган шарт-шароитлар муҳим ўрин тутади. Солиқ ва божхона имтиёзлари, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш шулар жумласидандир.

Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ташкил этилган бўлиб, унда 7 та йўналишда қисқа муддатли, 22 соатлик ўқув курслари йўлга қўйилган. Марказ ҳудудларда филиалларини очган. Аҳоли Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилиб, тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқиш имконига эга. Бундан ташқари, ёшларнинг молиявий саводхонлиги ва суғурта маданиятини ошириш бўйича ҳам алоҳида лойиҳалар бор.

Президентимизнинг 2019 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида"ги қарорида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан кафиллик ва кредит фоиз тўловларини компенсация қилиш шаклида молиявий қўллаб-қувватланиши белгиланган.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркор, биринчи галда, зарур ускуна сотиб олиши керак. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари) 120 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилган.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркор, биринчи галда, керакли ускуна сотиб олиши керак. Четдан олиб келинадиган ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, республикамизда тайёрланмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно), маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан, асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиниши эса тадбиркорнинг оёққа туриб олишида яхшигина тиргак бўлади.

Бундан ташқари, улар давлат томонидан карантин шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган барча солиқ, божхона, кредит тўловлари билан боғлиқ енгилликлардан ҳам тўла фойдаланади.

Қишлоқ хўжалиги

КЛАСТЕР

деҳқонни "кишан"дан озод қилди

Усмонали НОРМАТОВ

Мамасоҳат Рўзиев суяги далада қотган деҳқонлардан.
Унинг ишчанлиги ва деҳқончилик илмини пухта эгаллагани ака-укалари билан маслаҳатлашиб, «Фазлиддин олтин дон» фермер хўжалигини ташкил этишда қўл келди. Пахта, ғалла ҳосилдорлиги йил сайин ортиб, фермер хўжалигининг иқтисодий қудрати мустаҳкамланди, янги техникаларга эга бўлди.

Дастлабки пайтда 50 гектар майдонга ғўза, ғалла ўстирган хўжаликнинг экин майдонлари оптималлаштириш ҳисобига кенгайиб борди. 2019 йилга келиб, фермер хўжалигининг умумий майдони 135 гектарга етди.

Анча йил пахта, ғалла етиштириш билан шуғулланган Мамасоҳат Рўзиев фермер хўжалиги аъзоларига бераётган маошдан қониқмасди. Баъзи ишбилармон деҳқонларнинг фермер хўжаликларидан ғалладан бўшаган ерни ижарага олиб, кўкатлар етиштириб, қисқа муддатда катта даромадга эга бўлаётганини кўриб юрган Рўзиев хўжалиги иқтисодини кўтариш, аъзоларининг турмушини фаровонлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга сотиш хусусида кўп ўйларди. Асл деҳқоннинг эртачи сабзавотлар етиштириш бўйича ташаббусини Шеробод тумани раҳбарлари қўллаб-қувватлади. Шу тарика ўтган йил ўрталарида фермер хўжалигига тегишли 45 гектар ери ҳисобига "Шеробод сабзавот-кўкат кластери" МЧЖ ташкил этилди.

Ишбилармон деҳқон аввал Россия давлатидан ҳамкорлар топиб, эртачи сабзавот ва кўкат етиштириш бўйича шартнома имзолади. Ўзи "Агробанк" Шеробод тумани филиалидан сармоя олиш ташвиши билан банд бўлганда укалари Усмонали, Хуршид ва бошқалар ерни сабзавот ва кўкатлар етиштиришга тайёрлашди. Банкдан ажратилган 475 миллион сўм айланма маблағ ҳисобига уруғлик, енгил конструкцияли кўчма иссиқхона, плёнка харид қилинди. Ойма-ой ишчиларга маош бериш ташкил қилинди, техника харажатлари изга тушди.

Ўтган йил август ойида 20 гектар майдонга россиялик ҳамкорларнинг буюртмаси асосида шивит ва петрушка парваришланди. Декабрь ойида экспорт қилинган кўкатдан 200 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилди. Октябрь ойида 15 гектар ерга экилган шивит экспорт қилиниши эвазига яна 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағга эга бўлди.

Тадбиркор деҳқонлар 6 гектар майдонда барпо қилинган кўчма иссиқхонада ўстираётган 20 минг туп "Юбилейний" булғор қалампири ва 80 минг туп "Вляжян" навли помидор ниҳоллари айни пайтда шиғил-шиғил ҳосил туккан. Помидорларнинг олди қизара бошлади. Булғор қалампири ҳосили ҳам кун сайин каттаряпти. Бу маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга жўнатилса, қолгани ички бозорда сотилади. Ишбилармон деҳқон ва раҳбар Рўзиевнинг таъкидлашича, булғор қалампирининг ҳар тупидан ўртача 15 килограммдан ҳосил олинади ва килоси ўртача 3 минг сўмдан, помидорнинг килоси 2,5 минг сўмдан сотилганда ҳам мавсум давомида, яна ҳам аниқроғи июль ойигача жами 1 миллиард 800 миллион сўм соф фойда кутиляпти. Бу ҳар гектар майдоннинг даромади 300 миллион сўмни ташкил этади деганидир.

Бундан ташқари, кластер деҳқонлари 9 гектар майдонда плёнка остида экспортбоп қовун парваришлаётир. Қарови агротехника талаблари асосида ташкил этилаётган палаклар ёппасига гуллаб, ҳосил туга бошлади. Май ойи охирларида пишадиган қовуннинг ҳар гектаридан ўртача 25 тоннадан ҳосил олинади ҳамда асосий қисми экспортга юкланади.

Тадбиркор деҳқонлар кўкатлардан бўшаган майдонларни сифатли шудгорлаб, маҳаллий ўғитга тўйинтириб сабзи, хўраки лавлаги (қизилча), нўхат, мош етиштиришга тайёрлаяпти.

— Дала ишларига "Навбур" маҳалласида муқим яшайдиган 50 нафар ёшни жалб қилганмиз, — дейди "Шеробод сабзавот-кўкат кластери" МЧЖ раҳбари Мамасоҳат Рўзиев. — Аъзоларимиз дала юмушларини хавфсизлик ва санитария талабларига амал қилган ҳолда бажараяпти. Агар ҳамкорларимиз билан шартномамиз шу зайлда давом этаверса ёз ва куз фаслларида 11 турдаги дуккакли экинлар ва кўкат етиштириш ҳисобига тумандаги ишсиз ёшлардан яна 30 нафари бандлиги таъминланади.

Имтиёз

ҚУРИЛИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ, СИФАТ ЯХШИЛАНАДИ

Улуғбек ФАЙЗИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
"Zarafshan Golden Group" компанияси таъсисчиси

Ҳозирги карантин шароитига қарамай, республика бўйича иқтисодий фаолликни таъминлаш учун умумий қиймати 1 триллион сўмдан зиёд бўлган янги инвестиция лойиҳалари бошлаб юборилди. Уларнинг асосий қисми уй-жой, ижтимоий инфратузилма, саноат объектларидаги қурилиш-пудрат ишлари билан узвий боғлиқ.

Президентимизнинг жорий йил 19 майдаги "Ҳудудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, 2021 йил 1 январгача импорт қилинадиган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари божхона тўловидан озод этилди. Бундан ташқари, 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача кўп қаватли монолит уй-жойлар қуриш учун импорт қилинадиган бетон қуйиш қолиплари, бетон тайёрлаш машина ва ускуналар олиб кириш учун қўйилган божхона тўловлари ҳам бекор қилинди.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади республикамизнинг барча ҳудудларида урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисалар оқибатларини зудлик билан бартараф этиш ва аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Қарорга асосан, 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатда импорт қилинадиган қурилиш соҳасида фойдаланиладиган машина ва механизмлар, технологик жиҳозлар, кичик механизация воситалари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича божхона тўловларини (қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи ҳам бериляпти.

Бу каби имконият ва имтиёзлар навоийлик тадбиркорлар, айниқса, қурилиш ташкилотларининг фаолиятини янада жонланишига туртки беради. Чунки қурилиш объектларида қўлланилаётган замонавий техника ва асбоб-ускуналарнинг аксар қисми хорижда ишлаб чиқарилади. Мамлакатимизда эса кейинги пайтда қурилишлар кўлами кенгайгани ҳолда объектларни ўз вақтида сифатли топширилишига катта аҳамият қаратиляпти. Қолаверса, қурилиш-пудрат ташкилотига муддати ўтган ҳар бир кунга пеня тўлаш унинг нуфузига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шундай кезда ҳар бир машина-механизм, айниқса, бетон ишлари билан боғлиқ техникалар учун бож тўловларининг олиб ташланиши ўз паркимизни янгилаш имкониятини янада кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, иш унумдорлигини оширишга, қурилиш таннархини пасайтиришга, сифатини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи сўнгги икки йилда жадал ривожланиб, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 180 турдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Ҳозир Навоий вилоятидаги соҳа корхоналари томонидан табиий тош қоплама буюмлар, мармар, гранит, шағал, қум, чақиқ тош, харсангтошлар, шиша, сопол, фосфор, чинни буюмлари, пардозбоп майда ва нақшбоп (мозаика) тошлар, полбоп ашёлар ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳамиятлиси, айни шу жараён жадал тус олгани сари вилоятимизда қурилиш саноати ҳам фаол ривожланмоқда. Натижада ушбу фаолиятга ихтисослашган корхоналар фаолияти барқарорлиги таъминланди. Ўз навбатида, турдош ишлаб чиқарувчиларнинг қўпайиши тармоқда қучли рақобат муҳитини юзага келтиради.

Таъкидлаш керакки, қурилиш ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишга кўмак берадиган мазкур қарор шаҳарларда кўп қаватли уй-жойлар қурилиш ишларини йилдан-йилга ортиб боришида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа қиймати 638 миллиард сўм бўлган 40 та янги меҳмонхона барпо этилади. 420 та меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилади. Сайёҳлар учун қулайлик яратиш мақсадида йўл бўйлаб "Олтин ҳалқа" йўл белгилари ўрнатилиб, йўллар таъмирланади.

Кадрлар сиёсати

Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

МЕРИТОКРАТИЯ ПРИНЦИПИ

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА УСТУВОР МЕЗОН

Худойқул АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори

Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат бошқарувида малакали кадрлар, давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда замонавий тамойил ва усуллардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Шу маънода Президентимиз "меритократия" тамойилини давлат фуқаролик хизматини ташкил этишда кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратди.

Меритократия тамойили давлат хизматига истеъдодли ёшларни адолатли ва шаффоф танлаб олиш, шунингдек, карьерани ривожлантириш имкониятларини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда давлат хизматига очиқ танлов асосида танлаб олиш асосий усул ҳисобланади. Давлат хизматчисининг раҳбар шахсига бўлган шахсий садоқати қандай бўлишидан қатъи назар, мансабдор шахснинг касбий салоҳияти ва ютуқларини адолатли баҳолашга асосланган бу тамойил ходимлар барқарорлигини ва иқтидорли ёшлар оқимини таъминлайди.

Меритократия лотин тилида *"meritus" — муносиб,* юнон тилида "κράτος" — ҳокимият деган маънони англатади. Меритократия тамойилида энг қобилиятли одамлар ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий аҳволидан қатъи назар, раҳбарлик лавозимларини эгаллаши кераклиги назарда тутилади. Ушбу атаманинг биринчи маъноси истеъдодлар орасидан раҳбарлар тайинланадиган тизим бўлса, иккинчиси қобилиятли ва меҳнатсевар одамларга келажакда юқори ижтимоий мавқени эгаллаш имкониятига эга бўлиши учун бошланғич шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Меритократиянинг асосий элементлари орасида қуйидаги тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: давлат хизматига танлов асосида қабул қилиш, талабгорларни баҳолашни уларнинг шахсий қобилиятлари, билимлари ва кўникмалари мезонларига мувофиқ амалга ошириш, барча давлат хизматчиларига тенг муносабатда бўлиб, иш учун эквивалент нисбатда ҳақ тўлаш, ўз фаолиятларида самарали натижаларга эришиш, натижалари тўлиқ қониқтирмаган ходимларнинг фаолиятини тўғирлаш.

Давлатнинг меритократия тамойилини таъминлаши ва уларга риоя қилиши давлат хизматчиларининг чинакам самарали иш, маъмурий аппаратларнинг сифати ва давлат хизматининг нуфузини ошириш нуқтаи назаридан, давлат хизмати институтини янада кучайтиради.

Амалдаги меритократиянинг яхши намуналаридан бири Хитой раҳбарларининг сўнггги, бешинчи авлодини тайинлашдир. Сиёсий Бюро доимий комиссиясининг етти аъзосидан олти нафари камида икки марта вилоят раҳбари лавозимини эгаллайди ва ҳар бири ўз лавозимида яхши натижаларни кўрсатади. Вилоятларнинг ҳар бири Европанинг ўртача тўрт-беш мамлакати даражасига етказилади. Хитойнинг асосий сиёсий янгилиги яхши лидерларни тарғиб қилиш ва "ёмон" лидерларни жамоа қарори орқали тизимдан, яъни давлат хизматидан чиқаришдир. Хитойнинг "танлов ва сайлов" меритократик модели тобора Ғарбнинг машҳур демократиясининг модели билан рақобатлашмоқда.

Меритократия тамойилининг ёрқин намунаси сифатида Сингапур тажрибасини ҳам келтириш мумкин. Сингапурда 1951 йилда Давлат хизматлари комиссияси (Public Service Commission) ташкил этилган. Ушбу комиссиянинг вазифаси дастлаб Сингапурдаги Британия ҳукуматига фуқаролик бандлик хизмати билан боғлиқ масалалар, лавозимга тайинлаш ва касбий ривожланиш бўйича маслаҳат беришдан иборат эди. Таъкидлаш жоизки, комиссия таркибига аввал давлат хизматида бўлмаган экспертлар жалб қилинган бўлиб, бундай ёндашув унинг фаолиятини сиёсий ва маъмурий органлардан мустақил равишда бажаришга ёрдам беради. Кейинчалик бюрократлаштирилган кадрлар танлаш тизими давлат органлари ишига тўсқинлик қила бошлади ва 1994 йилда Ли Куан Ю давлат хизмати бўйича комиссия фаолиятини ислоҳ қилди. Давлат хизматлари комиссияси ўз вазифаларини вазирликларга топширди, шунингдек, ушбу ислоҳот доирасида махсус кадрлар қўмиталари ташкил этилди. Ўша вақтдан бошлаб PSC маъмурий хизматга (AS – Administrative Service) тайинлашда қатнашди. 2002 йилда ҳамкорликни бошқаришнинг махсус дастури (The Management Associates Programme) ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа юқори стипендиялар орқали иқтидорли ёшларни давлат хизматига жалб қилишга ёрдам берди. Бу лойиҳа юқори лавозимларга номзод кадрларни мактаб давридан тайёрлаш ва кейинчалик турли вазирлик-идораларда ўз малакаларини оширишларига имкон берди. Шу орқали юқори даражали кадрлар захираси яратилди.

Сингапур давлат секторига номзодларни танлаш тизими HAIR (Helicopter view, Analysis, Imagination, Reality) компетенциялар моделига асосланади. Бу концепцияда давлат хизматчисининг қандай фикрлаши ва ҳаракат қилиши кераклиги, хусусан, вазиятга ҳар томонлама қараши, таҳлил қилиши ва ечимига ижодкорона ёндашиши назарда тутилади.

Корея Республикасида эса давлат хизматининг асосий тамойиллари 3 гуруҳга бўлинади – давлат хизматининг демократик тизими, профессионал давлат хизмати тизими, меритократияга асосланган давлат хизмати тизими.

Мамлакатда давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш тизими (Recruitment)да умумий тамойиллар қуйидагилар: очиқлик асосидаги умумий танлов, ижтимоий соҳадаги билимларни тест орқали баҳолаш (ҳуқуқ ва бошқалар), билимларни баҳолаш учун махсус тестлар (қонунлар ва бошқалар), жамоа билан ишлаш бўйича компетенцияларни ошириш мақсадида тест (PSAT, Public Service Aptitude Test), кириш интервьюси, махсус соҳалардаги билимларни аниқлаш учун тест, муаммоларни тизимли ва комплекс ечишга қаратилган вазифа (масала), мантиқий фикрлаш, маълумотлар таҳлили, вазиятли таҳлил, компетентликни баҳолаш учун интервью. Давлат хизматида гендер тенгликка ҳам амал қилинади, 49 фоиз давлат хизматчилари аёллардан иборат.

Мамлакатимизда меритократик тамойилни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 30 майдаги "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича "Тараққиёт" республика танлови ташкил этилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар бўлинмалари республикада кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматининг замонавий тамойилларини жорий этишда энг муҳим бўғин ҳисобланиши белгилаб берилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонга замонавий фикрлайдиган, малакали кадрларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган, халқ учун ёниб яшайдиган, адолатни таъминлайдиган одил, меритократия тамойиллари асосида танлаб олинган кадрлар зарур.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат фуқаролик хизматининг асосий тушунчалари, принциплари, регламентлари ва кафолатлари "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонунда белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ.

Пиллачилик

"Шовот агро пилла" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартнома режасига мувофиқ, бу йилги мавсумда 193 тонна "кумуш тола" етиштириш кўзда тутилган.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ СИРИ

Дилрабо КУРЯЗОВА,
журналист

Кейинги йилларда юртимизда агросаноатнинг кўплаб тармоқлари қаторида пиллачилик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг шу йил 17 январдаги "Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жорий йилда бу соҳадаги ишларни узвий равишда ташкил этишда муҳим асос бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам турли соҳа ва тармоқлар қаторида саноат учун қимматбаҳо хомашё —"кумуш тола" етиштиришга пиллакорлар бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

"Шовот агро пилла" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартнома режасига мувофиқ, бу йилги мавсумда 193 тонна "кумуш тола" етиштириш кўзда тутилган. Мавсумнинг дастлабки кунларидан ҳар бир пиллачи оилага олдиндан бўнак пули берилди. Айни кунларда пиллабоқар оилалар ҳудуддаги фермер хўжаликлари билан узвий ҳамкорликда мавсумни юқори даражада ўтказиш мақсадида меҳнат қилмоқда.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳам пилла боқаётган оилаларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда ҳудуддаги кам таъминланган ҳамда вақтинча даромадсиз қолган, ишсиз оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бирига 700 минг сўмдан қўшимча маош тўланаётгани ҳам алоҳида рағбат, албатта. Шундай саъй-ҳаракатлар туфайли айни кунда 700 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги ва моддий манфаатдорлиги таъминланмоқда.

Туманнинг "Асавий" маҳалласида хонадонларда бўлиб, ипак қурти боқиш жараёнини кўздан кечирдик. Ушбу маҳалладаги 12 хонадонда боқилаётган қурт то ипак боғлаб ҳосил йиғиштириб олингунига қадар хонадоннинг бир неча аъзоси меҳнат қилади.

— Салкам 10 йилдан буён оиламиз билан ипак қурти парваришлаб келмоқдамиз. Бу орқали оилавий даромадимизга яхши ҳисса қўшилмоқда. Давлатимиз томонидан бу йил ҳар йилгидан кўра, кўпроқ ва яхшироқ имкониятлар яратилди. Бу бугунги мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитга қарамасдан оиламиз даромадини кўпайтириш ва фаровонлигимизни оширишга замин бўлмоқда, — дейди Муҳаббат Ортиқова.

Бугунги кунда уй шароитида пилла етиштириш билан шуғулланувчи фуқаролар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилган. Оилада пилла боқувчиларнинг бир мавсум ишлаган даври бир йиллик меҳнат стажига тенглаштирилди. Шу билан бирга, пиллакорларни қўшимча рағбатлантириш доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Соҳага берилаётган эътибор туфайли мамлакатимизда пиллачилик ва тутчилик тармоғи ривожланиб, халқимизнинг даромад манбаи кўпаймоқда, шу орқали маҳсулот экспорт ҳажми ошмоқда. Бу эса минглаб аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун иш ўринлари, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш деганидир.

Туризм

"ОЛТИН ҲАЛҚА" КОНЦЕПЦИЯСИ

ҳудудларнинг янги туризм йўналишларини бир-бирига боғлайди

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда сайёҳларни ўзига жалб қилиши мумкин бўлган маданий мерос объектлари, агро ва экотизимлар, миллий-этнографик жиҳатдан ўзига хос қишлоқ-овуллар талайгина. Шу билан бирга, ҳали сайёҳлар қадами етмаган жойлар қанча. Бу эса яна шунча иқтисодий имконият, шунча янги иш ўрни дегани.

Хусусан, Тошкент вилояти туризмнинг барча йўналишлари, логистика ва табиий иқлим хусусиятлари бўйича кўплаб имкониятларга эга. Масалан, Бўстонлиқ туманида "Чорвоқ" эркин туристик зонаси, Угом-Чотқол миллий боғи, Чорвоқ сув омбори бор. Паркент тумани ўзининг гўзал табиати, зиёратгоҳлари, агротуризм масканлари, мазали овқатланиш шохобчалари билан жозибали. Зангиота туманидаги Зангиота зиёратгоҳи мўмин-мусулмонлар талпинадиган муқаддас қадамжолардан биридир.

— Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилятпи, — дейди вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Сайфиддин Низомов. — Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "2019–2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Олтин ҳалқа" концепцияси ҳудудларнинг янги туризм йўналишларини бир-бирига боғлайди. Шу орқали туризм логистикаси учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бу эса сайёҳларнинг узоқ муддат вилоят ҳудудида қолишини таъминлайди. Жойлардаги хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади, туризм маҳсулотлари турлари кенгаяди. Натижада аҳоли бандлиги ошиб, уларнинг даромади кўпаяди. Ҳозирча "Олтин ҳалқа"га Бўстонлиқ, Паркент, Зангиота, Оҳангарон, Бўка, Чиноз туманлари ва Ангрен шаҳри қамраб олинди. Кейинчалик вилоятнинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ қилиниши мумкин.

Бу йил вилоят бўйича туризм соҳасидаги 44 та инвестиция лойиҳаси ишга тушиши кўзда тутилган. Бунинг учун ҳудудга жами 708,4 миллиард сўм инвестиция киритилади. Мазкур маблағнинг 424,4 миллиард сўмини лойиҳа ташаббускорларининг ўз шахсий маблағлари ташкил этса, 113,1 миллиард сўми тижорат банклари кредитлари ҳисобига, қолган қисми хорижий ҳамкорлар улушига тўғри келади. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг ишга тушиши натижасида бу йил Тошкент вилоятида 2373 та янги иш ўрни яратилади. Умуман олганда, 350 километрдан ортиқ узунликдаги "Олтин ҳалқа" йўли бўйлаб 2020 – 2021 йилларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Лойиҳа қиймати 638 миллиард сўм бўлган 40 та янги меҳмонхона барпо этилади. 420 та меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилади. Сайёҳлар учун қулайлик яратиш мақсадида йўл бўйлаб "Олтин ҳалқа" йўл белгилари ўрнатилиб, йўллар таъмирланади. Бепул интернет тармоғи ва биоҳожатхоналар ташкил этилади. Шунингдек, Ангрен шаҳридан Паркент туманига келгусида тоғ бўйлаб янги йўл қуриш ҳам режалаштирилган.

— Паркент туманининг Кумушкон қишлоғида

мамлакатимизда биринчи бўлиб "Туризм қишлоғи" лойиҳаси бошланди, — дейди вилоят ҳокимлиги туризмни ривожлантириш масалалари котибияти мудири Фаррух Раҳматуллаев. — Мазкур лойиҳа доирасида Кумушкон қишлоғида бугунги кунга қадар 60 та эскирган симёғоч ўрнига 181 та янги электр темир-бетон таянчи ўрнатилди. 1 км. масофадаги электр кабеллари янгиланди, 15 км. йўл текисланди, 5 км. йўл асфальт қилинди. 1 та янги алоқа станцияси, валюта айирбошлаш шохобчаси ўрнатилди, 16 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилди.

Концепцияга биноан, Тошкент вилоятига сайёҳат учун келган меҳмон вилоят бўйлаб сайрни Зангиота зиёратгоҳидан бошлайди. Муқаддас қадамжо ва у ердаги мусулмон дунёси архитектурасининг гўзал намунасини томоша қилади. Ҳунармандчилик марказида қўл меҳнати билан ясалган туризм маҳсулотларини кўздан кечиради, юртимиздан эсдалик учун ўзига ёққанини сотиб олади.

Шундан сўнг Чиноз туманига йўл олади. Чиноз ўз балиғи билан машҳур. Гастрономик туризм ривожланиши учун барча шароитлар, овқатланиш учун кафе-ресторанлар қурилиши бошланган. Айниқса, балиқ овига ишқибоз туристлар учун сунъий кўллар ҳам яратилди. Ов туризмига қизиқувчиларга ўзи тутган балиқлар пишириб берилади.

— 2016 йилдан буён интенсив усулда балиқ етиштириш билан шуғулланамиз, — дейди "Chinoz white fish" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маъруф Маматқулов. — Айни пайтда 14 гектарда балиқнинг сазан, амур, лаққа, судак, африка лаққаси каби 10 дан ортиқ тури боқилмоқда. Фаолиятимиз интенсив усулда ташкил этилгани боис, МДҲ ва бошқа қатор давлатлардан ҳамкасбларимиз тажриба орттиришга келиб туради. 6 сотихда қафас (садок) усулида балиқ парваришлашни йўлга қўйганмиз. Шу ердан 30 тонна балиқ, бошқача айтганда, 10 гектардан олиш мумкин бўлган миқдорда ҳосил олинади. Энди бу ерга сайёҳлар келишини ўйлаб, янада кувоняпман. Чунки сайёҳлар учун қўшимча қулайликлар керак. Бу эса биз учун янги имкониятлар эшигини очади.

Сайёҳ Бўканинг ўзига хос паловини татиб кўргач, Оҳангаронда аждодларимиз яшаган қадимий манзилларининг археологик ёдгорликларини кўздан кечиради. Иштиёқи туғилиб қолса, Ангренда экстремал туризм билан завқланиши мумкин. Паркент ва Бўстонликдаги манзилларда эса табиатнинг бир бўлаги эканини ҳис қилиш имкони туғилади. Мегаполисларда кечган дамларини бир зум унутиб, оламнинг сирли "тили"га қалб қулоғини тутади.

— Истиқболда Угом-Чотқол водийсидаги табиат қўйнида ноанъанавий тиббиёт марказларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган, — дейди Фаррух Раҳматуллаев. — Уларда доривор гиёҳлар ҳамда енгил гимнастика орқали нафас йўллари касалликлари, қон босими, қандли диабет каби хасталикларни умумий даволаш усуллари жорий этилади. Шунингдек, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида замонавий турдаги санаторийлар ва СПА соғломлаштириш марказларининг ҳудудий тармоқларини очиш ҳам режалаштирилган.

Умуман олганда, мазкур концепция доирасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос сайёҳлик салоҳиятидан келиб чиқиб, муайян бир туристик йўналиш ривожлантирилади. Натижада сайёҳлар вилоятда йилнинг 330 куни давомида саёҳат қилиш имконига эга бўлади.



Болаларнинг ҳуқуқий онги ва қонун ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" махсус ўқув курсларини кенг жорий қилиб, интерфаол усулда ахборотларни етказиб бориш тизимли йўлга қўйилиши зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 май, 95-сон

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Бола тарбияси, оилапарварлик халқимизга хос бўлган энг улуғ азалий қадриятлардандир. Зеро, фарзандлар улғайиб, жамиятда муносиб ўрин топиши, ҳар томонлама етук, комил шахс бўлиб етишиши йўлида ота-боболаримиз бор билим ва салоҳиятини ишга солган.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОР ЮРТ ЗАВОЛ БИЛМАЙДИ

Буюк алломаларимиз қатор асарларида бола тарбиясига оид қимматли панд-насиҳатларни ёзиб қолдирганки, улар бугунги илғор давримиз учун ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмаган.

Хусусан, Абу Али ибн Сино болани тарбиялаш ота-онанинг асосий мақсади ва вазифаси экани, тарбияда энг муҳим восита боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда яккама-якка суҳбатда бўлиб, унга насиҳат қилишдан иборатлигини қайд этган. Ҳадиси шарифда ҳам "Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг", дея таъкидланади.

Фарзандларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, мард, жасур, ватанпарвар, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккирларимиз қолдирган бой маърифий мероснинг ўрни ва роли беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўяётгани алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш ташаббуси илгари сурилди. Шу билан бирга, "Ўзбекистон ёшлари — 2025" концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши лозимлиги ҳақидаги муҳим ғоя ўртага ташланди.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун, биринчи галда, соҳага оид қонунчилик тизимини бугунги замон талабларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириш лозим.

2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди. Мазкур қонунда боланинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳимоя қилиниши, ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатланиши каби меъёрлар ўз ифодасини топган. Бироқ болага судга мурожаат қилиш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширилиш тизими етарли даражада таъминланмаган эди.

Мисол учун, ушбу қонунда вояга етмаган шахснинг манфаатида унинг қонуний вакиллари, яъни ота-она ва улар ўрнини босувчи шахслар ҳаракат қилиши белгиланган. Бироқ ота-онанинг ўзи боланинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилса-чи? Бинобарин, ўзбекчиликда оиладаги можаролар ташқарига олиб чиқилмайди ва имкон қадар яширилади. Бундай аҳволда бола ўзига нисбатан тазйиқ ишлатилаётганини тушунмаслиги ва кимга, қаерга мурожаат қилишни билмаслиги мумкин. Бу каби ҳолатлар қонунда инобатга олинмаганди.

Шулардан келиб чиқиб, бола ҳуқуқини таъминлаш соҳасида ривожланган давлатларнинг тажрибалари ва халқаро амалиёт атрофлича ўрганилди, миллий қонунчилигимиз таҳлил қилинди.

Натижада 2020 йил 11 март куни "Бола

ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан Оила ва Фуқаролик-процессуал кодексларига, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Оила кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, бундан буён оилада боланинг манфаатларига таллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга тўла ҳақлидир.

Бу ўринда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига таллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақли экани қатъий белгилаб қўйилди.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиришларга асосан эса боланинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек, бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмагани сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Янги қонунга биноан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳам янги модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат қилишлари мумкин.

Фуқаролик-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилолмайди.

Яна бир муҳим янгилик шуки, мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. У бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боришга кўмаклашади.

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси масъул ваколатли орган сифатида бола ҳуқуқларига оид қонунчилик ижроси устидан мунтазам равишда парламент назоратини ўрнатади.

Шу ўринда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигига эришиш юзасидан баъзи таклиф ва тавсияларни баён этмоқчимиз.

Биринчидан, болаларнинг ҳуқуқий онги ва қонун ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" махсус ўқув курсларини кенг жорий қилиб, интерфаол усулда ахборотларни етказиб бориш тизимли йўлга қўйилиши зарур.

Иккинчидан, боланинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишига кўмаклашиш мақсадида тегишли давлат органларига мурожаат қилишида унга бепул юридик ёрдамдан фойдаланиш имконияти яратилиши лозим. Бу ўринда вояга етмаган шахс нафақат бепул ҳуқуқий маслаҳат олиши, балки ишларида бўлгани каби фуқаролик, маъмурий ишлар бўйича кўрсатиладиган, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган юридик ёрдам билан таъминланиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, бола оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганида кимга ва қаерга мурожаат қилиши кераклигини яхши билиши учун оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва мунтазамлилигини йўлга қўйиш ҳамда ягона ишонч телефонини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида юнон файласуфи Арастунинг қуйидаги фикрини келтирмоқчимиз: "Одамларни бошқариш санъати ҳақида мулоҳаза қилганларнинг барчаси империялар тақдири ёшларнинг тарбиясига боғлиқлигига амин бўладилар".

Чиндан ҳам, ёш авлоднинг келажаги учун қайғурган давлат ва миллат ҳеч қачон завол топмайди. Бола ҳуқуқлари устувор юртнинг эртаси бугунидан ҳам фаровон ва файзли бўлади.

Янги ҳуқуқий институт

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МУНОСИБ ШАРОИТДА УЛҒАЙМОҒИ ШАРТ!

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили котибиятининг бола ҳуқуқларини таъминлаш сектори мудири

Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизидан ортиғини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Юртимизда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро конвенция Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ратификация қилинган энг биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди ва фаолиятини бошлади.

Болалар омбудсманлари кўпчилик демократик давлатларда бор ва уларнинг аксарияти ўз ваколатларини амалга оширишда мустақилдир.

Мамлакатимизда фаолият бошлаган Болалар ҳуқуқлари бўйича вакил ҳам мутлақ мустақил бўлиши лозим. Шу билан бирга, унинг фаолиятини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида минтақавий вакиллар институтини жорий этиш ҳамда қонунчилигимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида, албатта, вакил билан келишишни назарда тутувчи меъёрлар белгиланиши зарур.

Давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил олдида турган вазифаларни бажаришда бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш унинг фаолиятида муҳим бўғин ҳисобланади. Бу фойдаланиладиган ахборот аниқлиги ва ишончлилигининг энг юқори стандартларига таянишни талаб қилади. Чунки мониторинг натижалари бўйича бола ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасидаги вазиятни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқилиши керак. Шу мақсадда вакил ҳузурида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича жамоатчилик эксперт кенгаши ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Сир эмас, жамиятимизда болаларга нисбатан зўравонлик, шафқатсизлик, эксплуатация қилиш ҳолатлари учраб туради. Шунингдек, баъзи оилаларда болалар муносиб парвариш йўқлиги, ота-она ва яқинларининг шафқатсиз муомаласидан азият чекади. Табиийки, бу боланинг келажак тақдирига, саломатлигига таъсир этмай қолмайди.

Шу боис, бундай муаммоларга қарши қатъий курашиш вакил фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Вакил ўз вазифаларини бажаришда бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзларга эга. Жумладан, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳақида ахборот тушганда у ўз ташаббуси билан фактларни текширишга ҳақли. Бундан ташқари, вакил болалар ҳимояси билан шуғулланаётган ихтисослашган хизматлар, ташкилотлар ва жамиятлар кўраётган чора-тадбирлар муваффақиятсиз бўлганда ёки тегишлича амалга оширилмаган тақдирда жараёнга аралашиши мумкин.

Айни пайтда болаларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, бола ва унинг қонуний вакилларининг вакилга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши имкониятини яратиш, болаларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тавсиялар бериш мақсадида махсус веб-сайт ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда шаклланган яна бир янги институт келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, жамиятимиздаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, энг муҳими, эртанги кунимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом ва етук этиб камолга етказишда қисқа муддатда ўз ўрни ва аҳамиятини намоён этади, деган умиддамиз.

Хайрия акцияси

ШУ МИЛЛАТНИНГ БИР БЎЛАГИМИЗ

Камолиддин БЕДИЕВ,
Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Германиядаги вакили

Юртимизда карантин ҳолати жорий этилганига ҳам икки ойдан ошди. Тан олиш керак, ўтган вақт ичида давлатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган сиёсат кўп жиҳатдан бошқа мамлакатларникидан самаралироқ ташкил этилмоқда. Синовли кунларда барча қўлни қўлга бериб ҳаракат қилаётгани қувонарлидир. Бугун халқимиз қалбида бир-бирига елкадош бўлиш, муҳтожларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, меҳр-саховат, оқибат, ҳиммат каби энг олижаноб туйғулар янада жўш ураётир. Бундай хайрли ишга чет элдаги ватандошларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Саховат ва кўмак қадимдан халқимиз қон-қонига сингиб кетган фазилатлардандир. Бу хислатлар бегона дилларни бирлаштириб, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди. Синовлар, том маънода, меҳр-муҳаббат, хайр-саховат, яхшилик, эзгулик каби асрлар давомида миллатимизга хос бўлган фазилатларни янада қарор топтирди.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Германиядаги вакиллиги томонидан ушбу мамлакатдаги элчихонамиз кўмагида "Куч — бирликда" хайрия акцияси уюштирилди. Унда нафақат Германия, балки бошқа хориж давлатларида истиқомат қилувчи ватандошлар ҳам қатнашди.

Рамазон ойи муносабати билан уюштирилган акция доирасида жамланган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ёрдамга муҳтож мингдан ортиқ оилага энг зарур саналган гигиена буюмлари ва антисептик воситалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Синовли кунлар Ўзбекистон халқини, хорижда яшаётган биз ватандошларни ҳам бирлаштирди. Шу халқнинг фарзанди, шу миллатнинг бир бўлаги эканимизни юрагимизнинг туб-тубидан ҳис этдик.

"Куч — бирликда" каби хайрия акциялари давом этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1371.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 23:40 Топширилди — 02:45 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Бакиров
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru